

## **THE UZBEK VOICE OF TAJIKISTAN**

**Durдона Rasulova**

2nd-year Master's Student Faculty of Journalism and Uzbek Philology  
National University of Uzbekistan

### **Abstract**

This article analyzes the history, formation, and stages of development of Uzbek-language broadcasts of the “Ovozi Tojik” radio in Tajikistan. It also examines the social, political, and cultural significance of these broadcasts, as well as their role in strengthening relations between fraternal peoples.

***Keywords:** This article analyzes the history, formation, and development stages of Uzbek-language broadcasts of the “Ovozi Tojik” radio station in Tajikistan. It also highlights their social, political, and cultural significance, as well as their role in strengthening relations between fraternal peoples.*

### **ТОЖИКИСТОННИНГ ЎЗБЕКОНА САДОСИ**

**“Овози тоҷик” радиосининг ўзбек тилидаги эшиттиришлари тарихи ва таҳлилига доир**

**Дурдона РАСУЛОВА,**

**Ўзбекистон Миллий университети Журналистика ва ўзбек филологияси факултети 2-босқич магистранти**

### **Аннотация**

Мазкур мақолада Тожикистондаги “Овози тожик” радиосининг ўзбек тилидаги эшиттиришлари тарихи, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу эшиттиришларнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий аҳамияти, қардош халқлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашдаги ўрни очиқ берилган.

*Калит сўзлар: Тожикистон радиоси, “Овози тожик”, ўзбек тилидаги эшиттиришлар, радиожурналистика, оммавий ахборот воситалари, медиа таҳлил, Марказий Осиё, маданий алоқалар, этник аудитория, ахборот сиёсати, интеграция, қардош халқлар.*

## **УЗБЕКСКИЙ ГОЛОС ТАДЖИКИСТАНА**

### **Аннотация**

В статье рассматриваются история, формирование и этапы развития узбекоязычных передач радиостанции «Овози тожик» в Таджикистане. Особое внимание уделяется их социальному, политическому и культурному значению, а также роли в укреплении отношений между братскими народами.

**Ключевые слова:** *Радио Таджикистана, «Овози тожик», узбекоязычные передачи, радиожурналистика, средства массовой информации, медиаанализ, Центральная Азия, культурные связи, этническая аудитория, информационная политика, интеграция, братские народы.*

**Кириш.** Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди. Ахборотни тезкор ва ишончли етказишда радио ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда. Марказий Осиёда интеграция жараёнлари кучайиб бораётган шароитда қардош халқлар тилларида контент яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Тожикистонда ўзбек тилида эфирга узатилаётган радиоэшиттиришлар нафақат ахборот манбаи, балки маданий мулоқот воситаси сифатида ҳам хизмат қилади. Мазкур мақолада “Овози тожик” радиосининг ўзбек тилидаги эшиттиришлари тарихи ва уларнинг таҳлили кўриб чиқилди. Шиддат билан ривожланаётган XXI асрда оммавий ахборот воситалари олдида кўплаб муҳим вазифалар турибди. Ахборот етказишда ўзидан бошқа ОАВдан кечиккан ахборот воситаси ўз аудиторияси – ўқувчи, тингловчи ва томошабини ишончини қозона олмаяпти. Тезкорлик энг муҳим талаблардан

бирига аланган бугунги кунда радио ОАВ орасида юқори ўринларда турибди. Биринчи электрон ОАВ сифатида майдонга чиққан радио шиддат билан ривожланаётган ахборот даврида ўз аҳамиятини янада оширмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Айни пайтда Марказий Осиё двлатлари ўртасидаги интергаруиялашув жараёнида оммавий ахборот воситалари катта ўрин тутди. Айнича. Турли халқлар ва элатлар бир-бири билан дўст-иноқ яшаётган Ўзбекистон ва тожикистонда қардош халқлар тилида контент яратиш бугунги куннинг асосий масалаларидан саналади. Биз ушбу мақолада Тожикистонда ўзбек тилидаэфирга узатилаётган радиоэшиттиришлар тарихи ва таҳлили хусусида сўз юритамиз.

**Асосий қисм.** Тожикистонда радионинг пайдо бўлиши ва ривожланиши бир неча муҳим омилларга боғлиқ бўлган. Аввало, сиёсий-идеологик омил — янги совет тузумининг ғояларини аҳолига тезкор етказиш зарурати радионинг жорий этилишига туртки берди. Шунингдек, технологик омил — радиотехника тараққиёти ва ахборотни узок масофага узатиш имкониятининг пайдо бўлиши муҳим аҳамият касб этди. Ижтимоий-ахборот омил сифатида аҳолини тезкор ва оммавий ахборот билан таъминлаш эҳтиёжи ҳам радионинг шаклланишига хизмат қилди. Бундан ташқари, ташкилий омил — собиқ Совет Иттифоқида ягона марказлашган радио тизимининг яратилиши Тожикистонда ҳам радиоэшиттиришларни йўлга қўйишга замин яратди. XX асрнинг 30 йиллари Тожикистон тарихида жуда нозик ва таҳликали давр бўлиб, янги ижтимоий жамиятни барпо этиш йўлида дастлабки қадамларини қўяётган эди. Собиқ Совет Иттифоқида мунтазам радиоэшиттиришлар 1924-йил ноябр ойида бошланган.

Биринчи радиоэшиттириш 1925-йил 7-ноябрда Москвадаги Қизил майдондан Октябр инқилобини нишонлаш пайтида эфирга узатилган. 1927-йилда СССР Халқ

Комиссарлари Кенгаши радиода бадиий дастурларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилди<sup>1</sup>.

Шу муносабат билан Совет ҳукумати радиога муҳим тарғибот воситаси сифатида тобора кўпроқ эътибор қаратди ва ушбу воситани иложи борича тезроқ ишга туширишга ва унинг жойларда таъсирини кенгайтиришга интилди.

1924-йилда Душанбеда ёзишмалар бўлими (почта бўлими) шаклида биринчи алоқа бўлими иш бошлади. 1924-йилда унда атиги 7 та ишчи бўлинма бўлган, 1925-йилда эса аллақачон 12 та бўлинма мавжуд эди. Худди шу йили у ёзишмаларни жўнатиш ва қабул қилиш учун мўлжалланган Алоқа бўлими деб ўзгартирилди. Телеграф алоқаси ҳарбий телеграф линияси орқали амалга оширилди. Архив ҳужжатларига кўра, 1926-йилда у Душанбе почта ва телеграф алоқа бўлими деб ўзгартирилди<sup>2</sup>.

Биринчи радиостанциялар гавжум жойларда - майдонларда, гавжум кўчаларда, хиёбонларда ва бозорларда жойлашган бўлиб, уларнинг қуввати ошгани сайин радио қабул қилиш стансиялари қурилди ва уларни уйларга оммавий ўрнатиш бошланди. Статистика маълумотларига кўра, 1929-йилда Тожикистонда 87 та радиоалоқа стансияси ва 20 та радио қабул қилгич рўйхатга олинган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Хочазод, С. Таърихи радиои Тоҷикистон. – Душанбе, 2006. С-25.

<sup>2</sup> Абдусатторов Р. Радиожурналистиканинг ўзига хос хусусиятлари. (Ўқув қўлланма). –Т.: Университет, 2000.; Исмаилова К. Радиожурналистика асослари (Марузалар матни). –Т.: ЎзМУ, 2000.

Шерел А.А. Радио. –СПб. 1999; Ибрагимов Ш. Тележурналистика асослари. –Т.: 2012; Рўзиёв Ф., Жўраева Х. Тележурналистга тавсиялар. –Т.: Sharq, 2013. – С.25; Егоров В.В Телевидение: теория и практика . – М.: 1993. – С.83; Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: 2010. – С.102; Мухамедов М., Файзиёва Ф.ва б. Телевидение асослари. –Т.: 2009. – Б.33; Хочазод С. Таърихи Радиои Тоҷикистон (Қисми 2). – Душанбе, 2006. – С.68; Усмонов И. Таърихи журналистикаи тоҷик. – Душанбе, 2008. – С.95; Муродов М. Асосҳои фаъолияти эҷодии журналист. – Душанбе, 2008. – С.39; Кембел Р. Ташкили кори шуъбаи ахбор: маводи семинари директорони шуъбаҳои ахбор (Тарҷумаи Абдуллоҳ М. аз русӣ) / Р. Кембел – Душанбе, 2010. – С.88.

Медведев Н.И. Становление и развитие радио и телевидения в Таджикистане / Н.И. Медведев. - Душанбе: Мир полиграфии. 2005. – С.18.

<sup>3</sup> Хочазод С. Таърихи Радиои Тоҷикистон (Қисми 2). – Душанбе, 2006. С.32.

"1930-йил 10-апрел, жума куни тожик радиоси ташкил этилган кун. Шу куни тожик радиосининг овози биринчи марта эшитилди"<sup>4</sup>.

Бу санани соҳа фахрийси Николай Иванович Медведев ўзининг "Тожикистонда радио ва телевидениенинг ташкил этилиши ва ривожланиши" номли хотираларида қуйидагича тасдиқлайди: "1930-йил 10-апрелда биринчи тожик радиоэшиттириши эфирга узатилди. Ўша пайтда радиостудия йўқ эди, фақат "Фермер уйи"даги кичик бир хона жиҳозлар ва карнайлар учун ажратилган эди"<sup>5</sup>.

1932-йил июл ойида қўмита таркибида кадрлар ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Раис ўринбосари лавозими ташкил этилди, сиёсий-бадий, илмий-маърифий, таълим-тарбия секторлари, жамоат бўлими, нашриёт гуруҳи, муסיқа гуруҳи ва радио маркази ташкил этилди. Аста-секин дастурлар сони кўпайди, тожик, рус ва ўзбек тилларида кўпроқ оригинал материаллар эфирга узатила бошланди ва эшиттиришлар кўлами географик жиҳатдан кенгайди. Хусусан, "Сўнгги янгиликлар", "Маданият радио университети", "Сиёсий эшиттириш", "Меҳнат ҳаёти", "Адабий эшиттириш", "Тоза тонг", "Озод юрт кўшиқлари", "Самимий садолар ва кўшиқлар", "Ягона оилада", "Республика бўйлаб микрофон билан" дастурларини нафақат пойтахт аҳолиси, балки атрофдаги ҳудудлар ҳам тингладилар<sup>6</sup>.

Тожикистоннинг мустақиллик даври мамлакат оммавий ахборот воситалари, жумладан, миллий радиосининг шаклланиши ва тараққиётида муҳим босқичлардан бири сифатида эътироф этилади. Айнан мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг, ОАВ тизими, хусусан, радиоэшиттириш йўналиши янги

<sup>4</sup> Шарифов В., Волков В. Парвози Сухан / В Шарифов, В. Волков. - Душанбе: Ирфон, 1967. – С.17.

<sup>5</sup> Медведев Н.И. Становление и развитие радио и телевидения в Таджикистане / Н.И. Медведев. - Душанбе: Мир полиграфии. 2005. – С.9.

<sup>6</sup> Тожикистон радиоси архиви «Программа передач радио», 1932 -1933. Папка-159.

босқичга қадам қўйди. 1992 йилда, истиқлолнинг илк йилларида, «Тожикистон» радиоси таркибида “Фурӯғи Ориёно” дастурлари идораси ташкил этилди. Кейинчалик, 1999 йилда “Садои Душанбе” радиоси, 2007 йилда эса, хорижий дастурлар бўлими “Фурӯғи Ориёно” билан бирлаштирилиши натижасида “Овози тожик” радиоканали фаолияти йўлга қўйилди. 2008 йилда эса, жаҳон адабиёти ва маданиятини тарғиб қилиш мақсадида “Фарҳанг” радиоси ташкил этилди<sup>7</sup>.

Ҳозирги кунда “Тожикистон” радиоси ва унинг каналлари бир сутка давомида 8 тилда 96 соатлик дастурлар тайёрлаб, эфирга узатмоқда<sup>8</sup>. Ушбу радио мамлакат ахборот маконида ишончли, сиёсий, маданий ва ахборот манбаси сифатида муҳим ўринни эгаллайди.

Ҳозирги кунда— “Тожикистон”, “Садои Душанбе”, “Овози тожик”, “Фарҳанг” радиоканалларининг ижодий ва техник жамоаси 195 нафардан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил этади<sup>9</sup>. Ёш журналистлар учун қулай ижодий муҳит яратилган, амалиёт жараёнларида уларга касб этикаси ва амалий фаолиятнинг нозик сирлари ўргатилади.

Собиқ тизим қулаганидан сўнг “Фурӯғи Ориёно”(Ориё нури) студияси Тожикистонда собиқ радиоэшиттиришларининг тартиби ва форматини бузган биринчи радиоканал бўлди ва янги мустақилликка эришган мамлакатда радиоэшиттиришнинг янги шакли – ахборот-муסיқий учун асос яратди. Бугунги кунда ушбу формат оммабоп шакл ҳисобланади ва мамлакатдаги барча хусусий давлат радиостансиялари ўз фаолиятини унинг асосида олиб бордилар<sup>10</sup>.

<sup>7</sup> “Фурӯғи Ориёно” студияси архиви 1999. – 18-сентябр.

<sup>8</sup> Муаллифнинг 2020-2024-йиллар “Овози тожик” радиоканалидаги касбий фаолияти жараёнида тўпланган материаллар ва кузатувлар асосида.

<sup>9</sup> Муаллифнинг 2020-2024-йиллар “Овози тожик” радиоканалидаги касбий фаолияти жараёнида тўпланган материаллар ва кузатувлар асосида.

<sup>10</sup> Тожикистон радиоси архиви материаллари. — Душанбе, 1992–2000 йй. Папка.195.250.262.

2007-йил 1-июнда “Фурӯғи Ориёно” студияси қарийб 13 йиллик фаолиятдан сўнг ёпилди ва унинг асосида ҳамда Тожикистон радиосининг хорижий дастурлар бош идораси негизида “Овози тожик”<sup>11</sup> ягона хорижга эшиттириш узатиш тармоғи ташкил этилди, бу Тожикистон радиосида ва мамлакат ахборот маконида ҳамда ундан ташқарида янги ҳодиса эди.

“Овози тожик” радиоси ҳар куни республика аҳолиси, хориждаги ватандошлар, қўшни давлатлар, яқин ва узоқ мамлакатлардан келган одамлар учун 8 тилда: тожик, дарий, форс, рус, инглиз, ўзбек, араб ва ҳинд тилларида 16 соатлик сиёсий, маданий ва кўнгилоҷар дастурларни тақдим этади<sup>12</sup>.

Соҳа тадқиқотчилари И. Усмонов ва Д. Давроновнинг фикрига кўра, алоҳида “Овози тожик” каналини ташкил этиш “тожик халқининг тарихи, маданияти ва маънавиятини тарғиб қилиш ҳамда мамлакатда тил ўрганишни кенгайтириш мақсадида” амалга оширилган<sup>13</sup>.

Бошқа томондан, шарҳ жанрини тайёрлаш бошқа таҳлилий жанрларга нисбатан соддароқ бўлиб, у журналистдан катта ресурс ва вақт талаб этмайди. Мазкур омил ҳам шарҳ жанрининг радиоканал ижодий жамоаси фаолиятида кенг қўлланилишига сабаб бўлган. Шу билан бирга, шарҳ материалларининг катта қисми расмий манбаларга асосланган ҳолда тайёрлангани ҳам унинг оммалашувида муҳим ўрин тутган.

Шу асосда радиоканал эфирда ўзбек тилидаги эшиттиришлар йўлга қўйилган. Бунинг асосий сабаби Тожикистонда истиқомат қилувчи ўзбек аҳолиси учун ахборот маконини яратиш, шунингдек, Тожикистон ва Ўзбекистон

<sup>11</sup> Журналистикаи байналхалқӣ-І (Маҷмӯаи мақолаҳо). – Душанбе, 2008. – С.13.

<sup>12</sup> Муаллифнинг 2020-2024-йиллар “Овози тожик” радиоканалидаги касбий фаолияти жараёнида тўпланган материаллар ва кузатувлар асосида.

<sup>13</sup> Усмонов И. Таърихи журналистикаи тоҷик / И Усмонов, Д. Давронов. – Душанбе, 2008. – С.270.

ўртасидаги ижтимоий, маданий ва сиёсий муносабатларни кенг ёритишдан иборат бўлган.

Демак, айнан мазкур ижтимоий, сиёсий ва медиа омиллар негизида Тожикистон радиосида ўзбек тилидаги эшиттиришлар ва дастурлар шаклланиб, босқичма-босқич ривожланиш жараёнига кирган.

Тожикистон Республикаси кўпмиллатли давлат ҳисобланиб, унинг аҳолиси таркибида ўзбеклар энг йирик этник озчиликлардан бири сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Демографик тадқиқотлар ва халқаро статистик манбаларга кўра, мамлакат аҳолиси таркибида ўзбекларнинг улуши тахминан 12–15 фоиз атрофида баҳоланади. Айрим манбаларда бу кўрсаткич 13 фоизга яқин деб келтирилса, тарихий демографик маълумотларда уларнинг улуши баъзи даврларда 15 фоиздан ҳам юқори бўлгани қайд этилади<sup>14</sup>.

Бироқ айрим тадқиқотчилар ва экспертлар фикрига кўра, Тожикистондаги ўзбек аҳолисининг ҳақиқий сони расмий статистик кўрсаткичларда акс эттирилган рақамларга нисбатан юқорироқ бўлиши мумкин. Бу ҳолат демографик ҳисоботларни юритишда қўлланиладиган методологик ёндашувлар, аҳолининг этник ўзлигини қайд этиш тамойиллари, шунингдек, рўйхатдан ўтиш жараёнидаги субъектив омиллар билан изоҳланади. Хусусан, аҳоли рўйхатлари ва расмий статистикада этник мансублик фуқароларнинг ўз-ўзини идентификация қилиши асосида белгиланиши, айрим ҳолатларда реал демографик ҳолат билан статистик кўрсаткичлар ўртасида фарқлар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбек аҳолиси асосан Тожикистоннинг шимолий ва ғарбий ҳудудларида зич жойлашган. Жумладан, Суғд вилоятида (Хужанд, Исфара, Панжакент, Бобожон Гафуров туманлари), шунингдек, Ҳисор водийси, Душанбе атрофи, Кўлоб ва

<sup>14</sup> Minority Rights Group International. Uzbeks in Tajikistan // <https://minorityrights.org/communities/uzbeks->

Бохтар худудларида улар салмоқли улушни ташкил этади. Ушбу худудлар тарихан Ўзбекистон билан чегарадош бўлгани сабабли бу ерларда этник ва маданий алоқалар табиий равишда шаклланган ва барқарор сақланиб қолган<sup>15</sup>.

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қаралганда, Тожикистондаги ўзбеклар жамиятнинг турли соҳаларида фаол иштирок этади. Улар асосан қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш, таълим ва маданият соҳаларида банд бўлиб, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шу билан бирга, зиёлилар қатлами, педагоглар, ижодкорлар ва давлат хизматчилари ҳам этник гуруҳнинг ижтимоий таркибида муҳим ўрин тутаяди.

Тожикистондаги ўзбеклар орасида этномаданий муҳит маълум даражада сақланиб қолган бўлиб, айрим худудларда ўзбек тилида таълим бериладиган муассасалар, маданий марказлар ва оммавий коммуникация воситалари фаолият юритади. Бу ҳолат этник ўзликни сақлаш ҳамда маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Тожикистон радиосида ўзбек тилидаги эшиттиришларнинг шаклланиши бир вақтнинг ўзида сиёсий, ижтимоий, демографик ва медиа омиллар таъсирида юзага келган мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, у босқичма-босқич ривожланиб борган. Бу жараёнда давлатнинг ахборот сиёсати, жамиятдаги этник таркиб ва аудитория эҳтиёжлари билан бир қаторда, радионинг техник имкониятлари ва ижодий салоҳияти ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Бундан ташқари, мазкур эшиттиришлар Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги тарихий, маданий ва тил бирлигига асосланган алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшган. Радио эфирлари орқали икки халқ ўртасидаги

<sup>15</sup> WorldAtlas. Ethnic Composition of the Population of Tajikistan // <https://www.worldatlas.com/articles/ethnic-composition-of-the-population-of-tajikistan.html>

маънавий яқинлик кучайгани, умумий маданий қадриятлар кенг тарғиб этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

“Овози тожик” каналининг ташкил этилиши билан ахборот жанрлари билан бир қаторда аналитик ва бадиий публицистика жанрларидан фойдаланиш оммалашди. Дастурларнинг асосий йўналиши Тожикистон ва унинг маданияти ва адабиёти, тожик халқининг тарихи ва цивилизацияси, бой маданиятини тақдим этишдир. Ҳафтада бир марта дастурда обуначиларнинг хатлари ўқилади ва сўров бўйича тожик ёзувчилари, кўшиқчилари ва рассомлари ҳақида маълумотлар тақдим этилади. Шунини таъкидлаш керакки, “Овози тожик” радиостансияси мамлакат ахборот маконида миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилувчи сифатида муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларининг ёритилиши “Овози тожик” радиоси учун доимий мавзулардан бири бўлиб, бу мавзуга эътибор 2016-йилдан бошлаб янада кучайган. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши 2016 йилдан бошлаб икки давлат раҳбарлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг сиёсий иродаси ҳамда конструктив мулоқоти билан бевосита боғлиқдир<sup>16</sup>. Мазкур давр икки давлат ўртасидаги муносабатларда яқинлашув, ишонч ва прагматик ҳамкорликнинг кучайиши билан характерланади.

Хусусан, 2017 йилдан бошлаб олий даражадаги ўзаро давлат ташрифлари фаоллашди, икки томонлама учрашувларда чегара масалалари, транспорт-логистика йўлаклари, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги

---

<sup>16</sup> Emomali Rahmon. Официальные выступления и обращения. – Официальный сайт Президента Республики Таджикистан. Электрон манба: <https://www.president.tj/ru/node>

ҳамкорликни кенгайтириш бўйича муҳим келишувлар эришилди<sup>17</sup>. Натижада, узоқ йиллар давомида чекланган ҳолатда бўлган чегара пунктларининг қайта очилиши минтақавий интеграция жараёнларига янги суръат берди.

Айнан шу сиёсий ўзгаришлар шароитида “Овози тожик” радиоси ўз эфир сиёсатини ҳам мослаштириб, Ўзбекистон билан боғлиқ мавзуларни тизимли равишда кенг ёритишга алоҳида эътибор қаратди. Радиоэшиттиришларда икки давлат ўртасидаги дўстлик, тарихий яқинлик ва стратегик шериклик масалалари таҳлилий ва ахборот жанрлари орқали ёритилди.

Мазкур жараёнда “Овози тожик” радиосининг ўзбек тилидаги дастурлари ҳам муҳим ўрин тута бошлади. Ушбу эшиттиришлар орқали Ўзбекистондаги воқеалар, икки мамлакат ўртасидаги қўшма ташаббуслар ва маданий алоқалар кенг тингловчи аудиториясига етказилди. Бу эса радионинг минтақавий ахборот маконида кўприк вазифасини бажарувчи оммавий коммуникация воситаси сифатидаги ролини янада мустаҳкамлади.

Адабиётларда қайд этилишича, икки давлат раҳбарлари ташаббуси билан йўлга қўйилган очиқ мулоқот сиёсати Марказий Осиёда янги сиёсий муҳитни шакллантириб, оммавий ахборот воситалари, жумладан радио соҳаси фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Йиллар давомида «Дўстлик», «Пайванд», «Тожикистон ва жаҳон» каби бир қатор дастурлар тайёрланиб, эфирга узатилган.

Тожикистон Республикасининг замонавий ташқи сиёсатидаги асосий йўналишларидан бири — Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларни кенгайтиришдир. Тадқиқотчи И. Усмоновнинг фикрича, ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати асосан уч мезонда амалга ошади ва “икки давлат ўртасидаги

<sup>17</sup> Shavkat Mirziyoyev. Расмий нутқлар ва чиқишлар. – Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий веб-сайти. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/category/5>

муносабатлар”<sup>18</sup> шуларнинг энг асосийларидан биридир. Тожикистон ташқи муносабатларида ушбу уч мезондан фаол фойдаланади, айниқса Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларда.

Шу билан бирга, Тожикистон Ўзбекистон билан муносабатларни минтақавий ташкилотлар — жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ўзаро хурмат, умумий манфаатлар, икки ва кўп томонлама битимларга риоя қилиш, иқтисодий, маданий ва гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақа умумий муаммоларини биргаликда ҳал этишга интилиш асосида ривожлантиради. Хусусан, “Халқаро Оролни қутқариш фонди ва минтақавий иқтисодий ҳамкорлик жараёни” мазкур йўналишдаги Тожикистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади<sup>19</sup>.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 22 октябрдан бошлаб ўрнатилди. Ўзбек ва тожик халқларининг тарихан шаклланган муносабатлари, иқтисодий ривожланиш истиқболлари, икки мамлакатнинг географик ўрни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурати, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг ўзаро муносабатларни кенгайтиришга интилишларини кучайтирди<sup>20</sup>.

2016 йилдан буён Ўзбекистон ва Тожикистон президентларининг икки мамлакатга амалга оширган ташрифлари кўпайгани, икки давлат муносабатларининг изчил равишда ривожланаётганидан далолат беради. 2024-йил 18–19 апрел кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

<sup>18</sup> Усмонов, И. К. Воситаҳои ахбори омма ва сиёсати хориҷии Ҷумҳурии Тоҷикистон / И.К. Усмонов. – Душанбе, 2003. – .23.

<sup>19</sup> 25 қадам дар паҳнои олам. – Душанбе: Ирфон, 2016. – С.58.

<sup>20</sup> Министерство иностранных дел Республики Таджикистан. Дипломатические отношения Республики Таджикистан с зарубежными государствами [Электрон ресурс]. – Кириш режими: <https://mfa.tj>

Мирзиёевнинг Тожикистонга давлат ташрифи Ўзбекистон ва Тожикистоннинг кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришда янги саҳифа очди.

“Ушбу ташриф доирасида икки давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун турли соҳаларда 28 та ҳамкорлик битими, жумладан 6 та келишув — Тожикистон Республикасининг Хатлон ва Суғд вилоятлари ҳокимиятининг Ўзбекистон Республикасининг Хоразм, Фарғона, Сирдарё, Наманган ва Андижон вилоятлари билан ҳамкорлигига оид келишувлар имзоланди”<sup>21</sup>.

Кучайиб бораётган ўзаро муносабатларни ёритиш баробарида, оммавий ахборот воситалари миллатлар ва давлатлар муносабатига таъсирчан кучига эга. “Овози тожик” радиосининг ушбу йўналишда қандай ишларни амалга оширганини аниқлаш мақсадида унинг дастурларини тадқиқ қилиш зарурати пайдо бўлди.

“Овози тожик” радиоси материалларини таҳлил қилиш жараёнида маълум бўлдики, икки давлат ўртасидаги муносабатларга оид ахборот аввало хабар бўлимларида эфирга узатилади ва кейин таҳлилий дастурларда шарҳланади ҳамда изоҳланади.

“Овози тожик” радиосининг тожик ва ўзбек бўлими муаллифлари Тошкент ва Ўзбекистон ҳамкорлигини таҳлил қилиш жараёнида тарихий умумийликлар, тожик ва ўзбек халқларининг маданий ўхшашликлари, шунингдек, икки халқнинг анъаналари ва дўстлигини ҳисобга олиб, тингловчиларига бир-бирларига ҳурмат кўрсатиш ва яхши муносабатларни мустаҳкамлашни доимо тарғиб қиладилар. Шунингдек, дастур муаллифлари ва интервью берувчилар миллатлар дўстлигига алоҳида эътибор қаратиб, янги авлодга тожик ва ўзбекларнинг яхши анъаналари

<sup>21</sup> Саидзода Марзия, АМИТ «Ховар» Арзҳои дўстӣ. Ўзбекистон- шарикӣ стратегӣ ва ҳампаймони боэътимоди Тоҷикистон [Манбаи электронӣ] – URL:<https://jumhuriyat.tj/bahsho/3346-arzoi-dst-zbekiston-shariki-strateg-va-ampajmoni-bojetimodi-toikiston.html>

ва меҳмондўстлик маданиятини сақлашни таъкидлайдилар. Мазкур мисолда “Овози тожик” радиосининг тожик ва ўзбек бўлимлари фаолияти орқали икки халқ ўртасидаги муносабатларни ёритишда медиа воситанинг тарбиявий ва ижтимоий функцияси яққол намоён бўлади. Дастур муаллифлари Тошкент ва Душанбе ўртасидаги ҳамкорликни таҳлил қилиш жараёнида тарихий умумийликлар ва маданий ўхшашликларга таянади, бу эса икки халқни яқинлаштирувчи асосий омил сифатида кўрсатилади.

Таҳлилдан кўриниб турибдики, радиодастурларда фақат ахборот бериш эмас, балки аудиторияда ўзаро ҳурмат, дўстлик ва бағрикенглик каби қадриятларни шакллантириш мақсади устувор ҳисобланади. Муаллифлар ва суҳбатдошлар томонидан миллатлар дўстлигига алоҳида урғу берилиши, медиа маконнинг ижтимоий интеграция жараёнидаги муҳим восита эканини кўрсатади.

Тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари Абдурахмони Жомий ва Алишер Навоий давридан бошланиб, асрлар давомида тожик ва ўзбек адиблари бу анъанани сиёсий вазиятдан қатъий назар доимо давом эттирдилар. Қалам аҳли нафақат тожик ва ўзбек дўстлиги мавзусида шеърлар ва дostonлар яратган, балки бир-бирларининг асарларини таржима қилиб, уларни танитишда ва дўстона алоқаларни сақлашда муносиб ҳисса қўшган. Академик Абдужаббор Раҳмонзода таъбири билан айтганда: “Тожиклар ва ўзбеклар икки халқдир, уларнинг барча ахлоқий қадриятлари, одоб-ахлоқ, маросим ва байрамлари умумийдир”<sup>22</sup>.

“Овози тожик” радиосининг ўзбек бўлимида “Мавлоно Абдурахмони Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги”<sup>23</sup> мавзусига бир неча бор тўхталиб, янги авлодни улардан ўрнак олишга ундайдилар. “Овози тожик” радиосининг ўзбек бўлимида Мавлоно Абдурахмони Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги мавзуси бир неча

<sup>22</sup> URL: <https://jumhuriyat.tj/bahsho/1061-pajomi-dst-kitobi-safiri-toikiston-dar-toshkent-chop-shud.html>  
кўрилган сана: 27.10.2025.

<sup>23</sup> «Овози тожик» ўзбек бўлими. – 2022. – 20 март.

маротаба алоҳида эшиттиришлар орқали ёритилган бўлиб, ушбу йўналишдаги дастурлар ёш авлодни икки буюк мутафаккирнинг маънавий мероси ва дўстлик анъаналаридан ўрнатилишга қаратилган.

Хусусан, Алишер Навоий таваллуди муносабати билан 2022 йилда тайёрланган 40 дақиқалик махсус эшиттиришда мазкур мавзуга кенг ўрин берилган. Ушбу дастурнинг муҳаррири ва бошловчиси сифатида Дурдона Расулова фаолият олиб борган<sup>24</sup>. Эшиттириш давомида Алишер Навоийнинг ғазаллари эфирга узатилган, улар бадиий ўқиш орқали тингловчиларга тақдим этилган.

Шу билан бирга, дастур доирасида Тожикистон ва Ўзбекистонда фаолият юритаётган навоийшунос олимлар билан суҳбатлар ташкил этилган. Уларда Алишер Навоий ва Абдурахмони Жомий ўртасидаги илмий-маънавий алоқалар, уларнинг адабий мактаб шаклланишига қўшган ҳиссаси ҳамда икки халқ маданий яқинлигини мустаҳкамлашдаги ўрни таҳлилий жиҳатдан ёритилган.

Ушбу эшиттиришлар орқали радиога нафақат тарихий шахслар мероси тарғиб қилинган, балки икки халқ ўртасидаги дўстлик, адабий-илмий ҳамкорлик ва умуммаданий қадриятлар ҳам кенг аудиторияга етказилган.

Дарҳақиқат, бу икки адиб тожик ва ўзбек халқлари учун муносиб хизмат қилган ва ҳозирги кунда ҳам халқлар дўстлигининг ёрқин намунаси сифатида қолмоқда.

Мумтоз адиблардаги дўстона сифатларни XX ва XXI асрда ҳам қалам аҳли давом эттирди. Хусусан, XX асрда тожик адиблардан устоз Айний тожик ва ўзбек халқлари дўстона алоқаларининг яхши анъаналарини давом эттириб, бу борада катта хизмат қўрсатди.

<sup>24</sup> Муаллифнинг “Овози тожик” ўзбек бўлимидаги ўз фаолиятидан.

Шу нуқтаи назардан, “Овози тожик” радиосининг ўзбек бўлими “Барҳаёт сиймолар” номли дастурини устоз Айний ҳаёти ва ижоди, унинг тожик ва ўзбек адабиётидаги ҳиссасини ёритиш учун тайёрлади. Дастур муаллифи Зухриддин Умаров Садриддин Айний асарларини “тожик ва ўзбек адабиётининг бебаҳо дурдоналари” деб атади, интервью берувчи Жумананазар Умурзоқов эса устоз Айнийни тарихшунос, ёзувчи, шоир, ўқитувчи, тожик ва ўзбек халқлари адиби, икки миллат адабиёти орасидаги кўприк сифатида эътироф этди<sup>25</sup>.

Дўстлик ва маданий алоқаларни ривожлантиришда тожик ва ўзбек санъаткорлари ҳам муҳим ҳисса қўшадилар, чунки улар республикаларда маданий элчилар сифатида бадиий дастурларни амалга ошириб, мамлакатлар фазосида дўстлик овози баралла янгради. 2024 йил 18 апрел куни Душанбедаги Миллат саройида Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи доирасида бир гуруҳ маданият ва санъат намояндаларига Тожикистон ва Ўзбекистон Давлат мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Жумладан, Тожикистон президенти Эмомали Раҳмон Фармони билан икки давлат ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун ўзбекистонлик санъаткорлар – Озодбек Назарбеков, Муножатхон Йўлчиева, Оғабек Собиров ва Юлдуз Усмоновалар “Хофизии халқии Тоҷикистон” – “Тожикистон халқ хофизии” фахрий унвони билан, киноактёр Ёдгор Саъдиев эса “Хунарпешаи халқии Тоҷикистон” – “Тожикистон халқ артисти” фахрий унвони билан тақдирланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг тегишли Фармони билан Тожикистон Республикасининг бир гуруҳ маданият ва санъат ходимлари ҳам тақдирланди. Ҳужжатда уларнинг кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик

---

<sup>25</sup> Умаров З., Умурзоқов Ж. “Барҳаёт сиймолар” радиодастури материаллари (Садриддин Айний ҳаёти ва ижоди ҳақидаги эфир чиқишлари). – “Овози тожик” радиоси ўзбек бўлими архиви, эфир 2020-йил 25-сентябр

муносабатларини ривожлантиришдаги улкан хизматлари ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни янги босқичга кўтариш, санъатимиз ва умумий тарихий меросни, маънавий қадриятлар ва анъаналарни асраб-авайлаш, тарғиб этиш борасидаги самарали фаолияти эътироф этилган.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, “Овози тожик” радиосининг ўзбек тилидаги эшиттиришлари Тожикистон ахборот маконида муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу эшиттиришлар ижтимоий, сиёсий ва маданий омиллар таъсирида шаклланган бўлиб, бугунги кунда ҳам изчил ривожланмоқда. Айниқса, улар Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва маданий яқинликни мустаҳкамлашда самарали восита сифатида хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан, мазкур радиодастурлар минтақавий ахборот маконида муҳим кўприк вазифасини бажаради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Хочазод, С. Таърихи радиои Тоҷикистон. – Душанбе, 2006. С-25.
2. Абдусатторов Р. Радиожурналистиканинг ўзига хос хусусиятлари. (Ўқув қўлланма). –Т.: Университет, 2000.; Исмаилова К. Радиожурналистика асослари (Марузалар матни). –Т.: ЎзМУ, 2000.
3. Шерел А.А. Радио. –СПб. 1999; Ибрагимов Ш. Тележурналистика асослари. –Т.: 2012; Рўзиев Ф., Жўраева Х. Тележурналистга тавсиялар. –Т.: Sharq, 2013. – С.25; Егоров В.В Телевидение: теория и практика . – М.: 1993. – С.83; Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: 2010. – С.102; Муҳамедов М., Файзиева Ф.ва б. Телевидение асослари. –Т.: 2009. – Б.33; Хочазод С. Таърихи Радиои Тоҷикистон (Қисми 2). – Душанбе, 2006. – С.68; Усмонов И. Таърихи журналистикаи тоҷик. – Душанбе, 2008. – С.95; Муродов М. Асосҳои фаолияти эҷодии журналист. – Душанбе, 2008. – С.39; Кембел Р. Ташкили кори

шуъбаи ахбор: маводи семинари директорони шуъбаҳои ахбор (Тарҷумаи Абдуллоҳ М. аз русӣ) / Р. Кембел – Душанбе, 2010. – С.88.

4. Медведев Н.И. Становление и развитие радио и телевидения в Таджикистане / Н.И Медведев. - Душанбе: Мир полиграфии. 2005. – С.18.

5. Хоҷазод С. Таърихи Радиои Тоҷикистон (Қисми 2). – Душанбе, 2006. С.32.

6. Шарифов В., Волков В. Парвози Сухан / В Шарифов, В. Волков. - Душанбе: Ирфон, 1967. – С.17.

7. Медведев Н.И. Становление и развитие радио и телевидения в Таджикистане / Н.И Медведев. - Душанбе: Мир полиграфии. 2005. – С.9.

8. Тоҷикистон радиоси архиви «Программа передач радио», 1932 -1933. Папка-159.

9. “Фурӯғи Ориёно” студияси архиви 1999. – 18-сентябр.

10. Муаллифнинг 2020-2024-йиллар “Овози тожик” радиоканалидаги касбӣ фаолияти жараёнида ҷўпланган материаллар ва кузатувлар асосида.

11. Муаллифнинг 2020-2024-йиллар “Овози тожик” радиоканалидаги касбӣ фаолияти жараёнида ҷўпланган материаллар ва кузатувлар асосида.

12. Тоҷикистон радиоси архиви материаллари. — Душанбе, 1992–2000 йй. Папка.195.250.262.

13. Журналистикаи байналхалқӣ-I (Маҷмӯаи мақолаҳо). – Душанбе, 2008. – С.13.

14. Муаллифнинг 2020-2024-йиллар “Овози тожик” радиоканалидаги касбӣ фаолияти жараёнида ҷўпланган материаллар ва кузатувлар асосида.

15. Усмонов И. Таърихи журналистикаи тоҷик / И Усмонов, Д. Давронов. – Душанбе, 2008. – С.270.

16. Minority Rights Group International. Uzbeks in Tajikistan // <https://minorityrights.org/communities/uzbeks-3/>

17. WorldAtlas. Ethnic Composition of the Population of Tajikistan // <https://www.worldatlas.com/articles/ethnic-composition-of-the-population-of-tajikistan.html>

18. Emomali Rahmon. Официальные выступления и обращения. – Официальный сайт Президента Республики Таджикистан. Электрон манба: <https://www.president.tj/ru/node>

19. Shavkat Mirziyoyev. Расмий нутқлар ва чиқишлар. – Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий веб-сайти. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/category/5>

20. Усмонов, И. К. Воситаҳои ахбори омма ва сиёсати хориҷии Ҷумҳурии

21. Тоҷикистон / И.К. Усмонов. – Душанбе, 2003. – .23.

22. 25 қадам дар паҳноӣ олам. – Душанбе: Ирфон, 2016. – С.58.

23. Министерство иностранных дел Республики Таджикистан. Дипломатические отношения Республики Таджикистан с зарубежными государствами [Электрон ресурс]. – Кириш режими: <https://mfa.tj>

24. Саидзода Марзия, АМИТ «Ховар» Арзҳои дӯстӣ. Ўзбекистон- шарикӣ стратегӣ ва ҳампаймони боэътимоди Тоҷикистон [Манбаи электронӣ] – URL:<https://jumhuriyat.tj/bahsho/3346-arzoi-dst-zbekiston-shariki-strateg-va-ampajmoni-bojetimodi-toikiston.html>

25. URL: <https://jumhuriyat.tj/bahsho/1061-pajomi-dst-kitobi-safiri-toikiston-dar-toshkent-chop-shud.html>. кўрилган сана: 27.10.2025.

26. «Овози тожик» ўзбек бўлими. – 2022. – 20 март.

27. Муаллифнинг “Овози тожик” ўзбек бўлимидаги ўз фаолиятидан.

28. Умаров З., Умурзоқов Ж. “Барҳаёт сиймолар” радиодастури материаллари (Садриддин Айний ҳаёти ва ижоди ҳақидаги эфир чиқишлари). – “Овози тожик” радиоси ўзбек бўлими архиви, эфир 2020-йил 25-сентябр